

COMPONENT ANALYSIS OF SIMPLE SENTENCES WITH THE PARTICIPLE VERB + VERB (IMPERSONAL FORM)

Usmonova Nilufar Gayratjonovna

Republic of Uzbekistan, Samarkand Institute of Foreign Languages, Faculty of Linguistics,
2nd year Master

Usmonov Urol Usmonovich

Professor of the Samarkand Institute of Foreign Languages, Republic of Uzbekistan

Brief information about the article: Through this article, I will explain how substantial categorical syntaxes are expressed as non-categorical-differential syntactic-semantic features, which are identified and identified in a different way from other categorical features, ie procedural and qualitative. In addition, it gives information about the places where it comes and is expressed in substantive speech.

Keywords: Qualitative, substantive, procedural, qualitative, quantitative, temporal, identifiable, infinitive

КЕСИМИ ФЕЪЛ + ФЕЪЛ (ШАХССИЗ ШАКЛИ) БИЛАН ИФОДАЛАНГАН СОДДА ГАПЛАРНИНГ КОМПОНЕНТ ТАҲЛИЛИ

Усмонова Нилуфар Гайратжонова

Ўзбекистон Республикаси, Самарканд Чет Тиллар Институтининг Лингвистика факултети II
курс магистри

Усмонов Урол Усмонович

Ўзбекистон Республикаси, Самарканд Чет Тиллар Институтининг профессори

Мақола ҳақида қисқача маълумот: Ушбу мақола орқали субстанциаллик категориал сентаксемаларни бошқа категориал белгилардан яъне процессуаллик ва квалификативликдан фарқли равишда идентификациялашган ва идентификациялаштирувчи каби нокатегориал-дифференциал синтактик-семантик белгиларни қандай ифодаланишини изоҳлаб беради. Бундан ташқари субстанциаллик гапда қандай уринларда келиши ва ифодаланиши ҳақида маълумот беради.

Калит сўзлар: квалификативлик, субстанциаллик, процессуаллик, квалитатив, квантитатив, темпорал, идентификациялашган, инфинит

Содда гапларнинг мазкур турдаги кесим билан ифодаланиши ҳақида гап бошлашдан аввал ушбу кесим тури ҳақидаги фикрларни кўриб чиқсак.

Инглиз тили амалий ва назарий грамматикаларида бу кесим тур тилшунослар турлича талқин этганлар. Хусусан, айрим тилшунослар уларни кўшма феъл аспект кесим деб қарасалар[12,237], бошқалари мураккаблашган феъл кесим[11,195], яна бошқа бир гуруҳ тилшунослар эса феъл кесимнинг иккинчи қисми, яъни феълнинг шахссиз (инфинитив, герундий) шакллари ва иккинчи даражали бўлақлардан тўлдирувчи

вазифасини бажарувчи сифатида олиб қарайдилар[38,211-212].

Инглизшунос грамматикачиларимизнинг аксарият кўпчилиги бундай кесим турини кўшма феъл аспект кесим деб атайдилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, иш ҳаракатнинг бошланишини, давом этишини ёки тугагини ифодаловчи феъллар, яъни *to begin, to start, to commence, to fall, to set about, to go on, to keep on, to proceed, to continue, to stop, to give up, to finish, to cease, to come* каби феъллар билан инфинитив ёки герундий бирикиб келади. Лекин аспект категориясини аниқлашда морфологик, лексик, синтактик катламларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси ва фарқига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Агар аспект категорияси морфологик категория сифатида қаралса, албатта, замон шакллари базасида маъно оттенкаларидан келиб чиқилса тўғри бўлар эди. Агар у лексик қатламда қаралса феълларнинг лугавий маъноси эътиборга олинади, лекин синтактик қатламда қаралса, унда иш ҳаракатнинг бошланиши, давом этиши ва тугагини ифодаловчи феъллар билан боғланиб келган феълнинг ноаниқ шакли, герундий ва инфинитив гапларда ажралмас бирикмами ёки улар ўзаро синтактик алоқалар асосида гап қурилмасига киритилганми деган савол ўз-ўзидан изланувчи олдига муаммо қилиб қўйилади. Албатта, бундай жумбоқни ечиш учун тушириб қолдириш трансформациясидан, яъни эксперимент методидан фойдаланишга тўғри келади:

1. ...every one started singing (SMP,38); 2. ... he began asking questions (CST,34); 3. ... an inspector began to question the clerk (BUG,47);

(1) ... every one started singing ► ... every one started ...; (2) ... he began asking questions ► ... he began asking...; ...he began asking ► ... he began...;

(3) ... an inspector began to question the clerk ► ... an inspector began to question...; ... an inspector began to question ► ... an inspector began...

Кўриниб турибдики, тушириб қолдириш трансформацияси ёрдамида гапларнинг асосий синтактик ядролари кўзга яққол кўринмоқда. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги гапларда *started, began* элементларини тушириб қолдириб бўлмайди, чунки гапнинг асосий синтактик қурилмаси бузилиши мумкин :

(1) ...every one started singing ► ...every one ...singing;

(2) ... he began asking questions ► ... he ... asking questions;

(3) ... an inspector began to question ... ► ...an inspector ...to question;

Бундан ташқари, *singing, asking, to question* элементлари *started, began* элементларига тобе компонентлар эканлигини яна бир бор исботлаш учун сўроқ қуйиш трансформациясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир :

(1) ...every one started singing ► *What did every one start?*

(2)... he began asking questions ► *What did he begin?*

(3)... an inspector began to question ... ► *What did he begin?*

Демак, *started, began* элементлари мустақил компонент эканлигини яна бир бор исботламоқчи бўлсак, унда ушбу гапларни трансформация пассивизацияга қўйиб кўрамиз:

(1)... every one started singing ► *singing was begun by every one;*



(2)... he began asking questions ► *asking questions were begun by him;*

(3) ... an inspector began to question ... ► *to question was begun by an inspector;*

Юкорида берилган мисоллардаги элементларнинг муайян гаплардаги ўзаро синтактик алоқаларини юнкцион моделларга кўйиб кўрганимизда, улар бир хил қурилмага эга эканлиги аниқланади:

1. Everyone started singing...
2. He began asking ...
3. An inspector began to question ...

Юнкцион моделдан кўриниб турибдики *singing*, *asking*, *to question* элементлари гапта *started*, *began* компонентларига нисбатан субординатив алоқа орқали гап қурилмасига киритилган. Бизнинг назаримизда *started*, *singing* каби бирикмаларни таркибли феъл аспект кесим деб аташга асосий сабаблардан бири бир томондан, рус тилига ўгириш натижаси бўлса, иккинчи томондан эса, лексик қатлам билан синтактик қатламнинг аралашиб кетишидир. Гаплардаги элементларнинг диффе ренциал синтактик белгилари бир хил, аммо уларнинг морфологик хусусиятлари фарқ қилади:



Бундан ташқари, фактик материалларимизда учинчи элемент уюшиб келган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин: 4) *We went on playing, sipping* (EHF, 187); 5) *I kept threshing and swimming* (EHF, 163).

Мисоллардаги *playing*, *sipping*; *threshing* and *swimming* каби элементлар ўзаро уюшиб келиб, бир-бирларига нисбатан координатив алоқа орқали боғланган ҳамда *went on*, *kept* элементларига нисбатан субординатив алоқада бўлади. Уюшиб келган элементларни исботлаш учун тушириб қолдириш трансформациясидан фойдаланамиз: 4) *We went on playing, sipping* —► *We went on playing...* —► *We went on ... sipping*; 5) *I kept threshing and swimming*; *I kept threshing...* —► */kept... swimming*.

Мазкур гапларнинг юнкцион модели бир хил:

$$(4,5) \frac{NP1}{Prp} \cdot \frac{NP2}{Vf} \cdot \frac{IH\bar{N}D}{Gr} \cdot \frac{IIH\bar{N}D}{Gr}; \quad \text{K.M. 15.}$$

Уларнинг компонент моделлари ҳам бир хил:

$$(1) \frac{NP1}{Pr \text{ ind}} \cdot \frac{NP2}{Vf} \cdot \frac{\bar{N}D}{Gr}; \text{ K.M. 12} \quad (2) \frac{NP1}{Prp} \cdot \frac{NP2}{Vf} \cdot \frac{\bar{N}D}{Gr}; \text{ K.M. 13}$$

$$(3) \frac{NP1}{S} \cdot \frac{NP2}{Vf} \cdot \frac{\bar{N}D}{Vinf}; \quad \text{K.M. 14}$$

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 64 б.
2. Ашурова Д.У. Восприятие иноязычного художественного текста // Преподавание языка и литературы. - Ташкент, 1997. - №1. - С. 46-50.
3. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. - М.: Высшая школа, 1975. - 156 с.
4. Большой англо-русский словарь. / Под руков. Гальперина И.Р. - М.: СЭ, 1972.1-И т.-1688 с.
5. Винокурова Л.П. Грамматика английского языка. - Л.: Учпедгиз, 1954.-344 с.
6. Генюшяне Э.Ш. Соотношения пассива и статива в литовском языке // Лингвистические исследования. Сб. науч. тр. - М, 1973. - С. 44-50.
7. Мигирин В.Н. Отношения между частями речи и членами предложения //НДВШ, Филологические науки.-М, 1959. -№1.- С. 130-137.
8. Мухин А.М. Лингвистический анализ: Теоретические и методологические проблемы. -Л.: Наука, 1976.-282 с.
9. Мухин А.М. Синтаксический анализ и проблемы уровней языка. - Л.: Наука, 1980.-304 с.
10. Потенция А.А. Из записок по русской грамматике. Часть 1-2. - М: Учпедгиз, 1958.-536 с.
11. Райхель Г.М. К вопросу о грамматическом значении сочетания to be+причастие II в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - М: МГУ, 1954. - 26 с.
12. Сафаров Ш.С. Принципы системно-семантического анализа синтаксических единиц. - Ташкент: ТГПИ, 1983. - 98 с.
13. Северьянова В.А. Аппозитивные элементы в структуре предложений современного английского языка // Вопросы строя индоевропейских языков, ч.1. - М., 1975. - С. 290-300.

2. Бадиий манбалар

1. Carter D. Fatherless Sons. - Moscow: Foreign Language Publishing House, 1959.-606 p.
2. Somerset Maugham W. The Painted Veil. - Moscow, 1981.- 247 p.
3. Synge. I.M. The Aran Ireland - New York. H. Language. - 1935. - 187 p.
4. Theoder Dreiser. Jenny Gerhart. - Moscow: Progress Publishers, 1965. - 358 p
5. Voynich. E. The Gadfly - Moscow: Foreign Language Publishing House, 1958.-336 p.
6. Зверева Е.Н., Эбер И.Г. Brush Up Your Grammar. (Сборник коротких рассказов и диалогов на англ-м языке). - Л., 1965. - 122 с.
7. Лондон Ж. Мартин Идеи. -Тошкент, 1968.-431 б.